ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2018-yil, 1-yanvar. Dushanba • 1 (32.369) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Жонажон Ватанимизга Янги — 2018 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўътабар нуронийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Минг шукрки, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.

Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан якунлашга эришдик.

Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадри юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.

Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янгича руҳ ва мазмун касб этмоқда.

Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам, Янги йил байрами билан табриклаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Биз Янги — 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном бердик.

Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этамиз.

Халқаро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлдир.

Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз даромалларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиз.

Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргаликда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги — 2018 йилга қадам қўймоқдамиз.

Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!

Барчангизга дунёдаги энг катта бахт — оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

***Янги — 2018 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, компаниялар раҳбарлари ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.***

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Сооронбай Жээнбеков**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**

Туркманистон Президенти — **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**

Корея Республикаси Президенти — **Мун Чжэ Ин**

Япония Бош вазири — **Синдзо Абэ**

Буюк Британия Бош вазири — **Тереза Мэй**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Франк-Вальтер Штайнмайер**

Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери — **Ангела Меркель**

Испания Бош вазири — **Мариано Рахой**

Италия Республикаси Президенти — **Сержио Маттарелла**

Словакия Республикаси Президенти — **Андрей Киска**

Словения Республикаси Президенти — **Борут Пахор**

Польша Республикаси Президенти — **Анджей Дуда**

Норвегия Қироли — **Харальд V**

Европа Кенгаши Раиси — **Дональд Туск**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти — **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти — **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Мўғулистон Президенти — **Халтмаагийн Баттулга**

Исроил Давлати Бош вазири — **Биньямин Нетаньяху**

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси — **Дмитрий Медведев**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси — **Валентина Матвиенко**

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири — **Ли Кэцян**

Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг Доимий қўмитаси раиси — **Чжан Дэцзян**

Янги Зеландия Генерал губернатори — **Пэтси Редди**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди — **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби — **Рашид Алимов**

НАТО Бош котиби — **Йенс Столтенберг**

ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори — **Евгений Сисоев**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Бош директори — **Жозе Грациану да Силва**

БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари — **Наталья Герман**

МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгаши Бош котиби вазифасини вақтинча бажарувчи — **Сергей Антуфьев**

Авиация бўйича давлатлараро кенгаш президенти, Давлатлараро авиация қўмитаси раиси — **Татьяна Анодина**

«Мир» давлатлараро телерадиокомпанияси раиси — **Радик Батиршин**

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти — **Шиничи Китаока**

Халқаро болалар фондлари ассоциацияси Президенти — **Альберт Лиханов**

Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби — **Владимир Шербаков**

Тошкент ва Ўзбекистон митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари — **Викентий**

БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили — **Ҳелена Фрейзер**

Ядро тадқиқотлари бирлашган институти директори — **Виктор Матвеев**

Россия нефть-газ саноатчилари уюшмаси кенгашининг раиси — **Юрий Шафраник**

«ЛУКОЙЛ» нефть-газ компанияси президенти — **Вагит Алекперов**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — **Виктор Гришин**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари — **Эдуардс Стипрайс**

Siemens концерни Президенти ва бош директори — **Жо Кэзер**

***Қутловлар келиши давом этмоқда.***

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жаҳон оммавий ахборот воситалари нигоҳида бўлиб турибди. Мазкур ислоҳотлар натижалари ва келгусидаги устувор йўналишлар баён этилган Олий Мажлисга Мурожаатнома ҳам бутун дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.**

**«The New York Times» нашри (АҚШ):**

Ўзбекистон ўз эшикларини очмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни ислоҳ этишни бошлаган.

Жаҳон банки Ўзбекистонни бизнес юритиш шароитларини сезиларли даражада енгиллаштирган ўнта давлат қаторига киритди. Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қурилишга рухсат олиш, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш, солиққа тортиш ва электр таъминоти тизимига улаш соҳаларида тизимли ишлар амалга оширилди.

Жаҳон банкининг бизнес юритиш шароитларининг қулайлигига баҳо берадиган Doing Business рейтингида Ўзбекистон 190 мамлакат ичида 74-ўринни эгаллаб, Хитой ва Украинани ортда қолдирди.

**«The Nikkei» нашри (Япония):**

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан алоқаларининг мустаҳкамланиши Марказий Осиёнинг кўринишини ўзгартириши ва минтақанинг халқаро майдондаги таъсирини ошириши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда Марказий Осиё давлатлари орасида олий даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш бўйича берган таклифи мамлакатнинг бундай ҳамкорликда етакчи роль ўйнашга интилаётганини кўрсатади ва жиддий дипломатик ўзгаришларга олиб келади.

Қўшни давлатлар билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши хавфсизлик ва чегара муаммоларини ечиш ҳамда минтақада транспорт инфраструктурасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон хорижий сармояларни жалб қилишга ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам берадиган муҳит яратиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, валюта тизимини эркинлаштиришга интилмоқда.

**«Новости» ахборот агентлиги (Россия):**

Президентлигининг биринчи йилида Шавкат Мирзиёев давлатни янги босқичда ривожлантиришга қаратилган 100 дан ортиқ фармон ва қарорни имзолади, шунингдек, ҳукуматда ва жойлардаги ҳокимият органларида жиддий ўзгаришлар қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳукумат аъзоларидан ҳисобот талаб қилади. 2005 йилда Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлардан қониқмагани учун ўз фаолиятини тўхтатган Европа тикланиш ва тараққиёт банки ноябрь ойида қайтадан фаолият юрита бошлади.

Сентябрь ойида Ўзбекистон миллий валютаси — сўмнинг эркин конвертацияси очилгани Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигининг биринчи йилидаги энг асосий ютуқлардан бўлди.

Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида терроризмга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари, шунингдек, минтақаларга ташрифи чоғида ўз ҳаётини экстремистик фаолият билан боғлаганларнинг яқин қариндошларини ижтимоий ҳаётдан четлатиш амалиётини давом эттирмаслик зарурлигини таъкидлади...

**ЎзА**

## ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

**Нукус шаҳрининг марказий майдонида тикланган баланд арча атрофида «Президент арчаси» шодиёналари бўлиб ўтди.**




Байрам тадбирида иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов ва Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Сариев хизмат чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Президент совғаларини топширди.

«Президент арчаси» шодиёнасида мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган меҳр-эътибор, улар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар, тинч-осойишта юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликлар таъкидланди.

— Президентимизнинг бизга йўллаган Янги йил совғасини олдик, — дейди **Нукусдаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нурлан Байназаров.** — Ҳаммамиз жуда хурсандмиз. Оталарча ғамхўрлик кўрсатилаётгани учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Байрамона безатилган арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз, эзгуликка чорловчи турли эртак қаҳрамонлари болажонларга совға улашди. «Президент арчаси» шодиёнаси иштирокчиларига театрлаштирилган катта байрам концерт дастури намойиш этилди.

«Президент арчаси» тантаналари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри фойесида ҳам бўлиб ўтди. Унда махсус мактаб-интернатлар, ихтисослашган мактабларда таҳсил олаётган 100 га яқин ўқувчига Президент совғалари топширилди.

«Президент арчаси» тантаналари Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туман марказларида кенг нишонланмоқда.

**А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.**

## ОДАМЛАРИМИЗ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ КЕЛАЖАКДА ЭМАС, БАЛКИ БУГУН ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТИШЛАРИ ЗАРУР



**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**
**Сергелидаги янги уйлар.**



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**Мўйноққа сув келди...**

2

# ЯНГИ ЙИЛГА

## янги режалар, ёруғ мақсадлар билан...



*Гулшан АСАТОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:*

**— Барчамиз орзиқиб кутган Янги йил кириб келди. Ортга назар ташлар эканмиз, юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари, қишлоқ ва шаҳарларнинг янгича қиёфа касб этаётгани ҳар биримизда ифтихор ҳиссини кучайтиради. Тинчлик, осойишталикка шукрона қилишга ундайди. Одамлар 2018 йилга кечаги кунидан кўнгли тўқ бўлиб, эртасига, келажагига катта умид боғлаб қадам қўймоқда.**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш секторининг ҳам Янги йилдаги режалари улкан. Президентимиз томонидан қўйилаётган, партиямиз дастурида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни ният қилганмиз.

Хусусан, ногирон аёллар ҳолидан хабар олиб, муаммоларини ҳал этишга, қўлида ҳунари борларини қўллаб-қувватлаб, уларга кўмаклашиш мақсадида **«Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш — бурчимиз!»** лойиҳаси доирасидаги тадбирларни давом эттирамиз.

Кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида «Аёллар бандлиги – оила фаровонлиги гарови» лойиҳасини ишлаб чиқишни режалаштирдик. Ўйлаймизки, Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида бу ташаббусимиз самарали бўлади.

Оилавий ажримлар, эрта ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш мақсадида Маҳалла жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси билан ҳамкорликда **«Намунали оила»** акциясини ўтказмоқчимиз. Оилалар тинч бўлса, жамиятимиз ҳам мустаҳкам бўлади.

Орамизда алоҳида эътиборга муҳтож кишилар бор. Айниқса, ногиронлиги бўлган инсонлар доимий муҳофаза қилиниши керак. Шу боис республикамиздаги мавжуд 10 та Мурувват ногирон аёллар интернат уйларидаги шарт-шароит, муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишга кўмаклашиш масалалари эътиборимизда бўлади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишлар юзасидан билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, жорий йилдан Ўзбекистон ХДП минтақавий кенгашларида Хотин-қизлар масалалари бўйича жамоатчилик асосидаги раис ўринбосарлари лавозимини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Янги йилда зиммамизда улкан вазифалар турибди. Янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча аёлларни, партиямиз фаоллари ва депутатларни байрам билан табриклайман.

# БУ ЙИЛ ДЕПУТАТЛАР УЧУН

## энг масъулиятли йил бўлади



*Шуҳрат МАМАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:*

— Ўтган йил миллий парламентимиз фаолиятида туб бурилиш ясагани, фаолиятимизни янги босқичга кўтаргани, айниқса, ўзимизга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришга ундагани билан тарихимизда чуқур из қолдирди, деб ўйлайман.

Халқ вакили — депутат кечаги фикр, кечаги дунёқараш, кечаги ҳаракат билан бугун жамиятга, одамларга наф келтира олмайди. Биз аввало, шуни чуқур англаб олишимиз керак.

2017 йилда Президентимиз икки маротаба Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси вакиллари билан учрашди, уларнинг олдига катта вазифалар қўйди. Очиғи, ҳозирча бу ишларни тўлақонли, халқимиз кутган даражада амалга оширишга эришаётганимиз йўқ.

Ўтган йил ҳар ойда 10-12 кун сайловчилар ҳузурида бўлиб, уларни қийнаётган масалаларни ўргандик ва шунинг натижасида қонунчиликдаги камчиликлар, жамиятдаги муаммолар янада яққол намоён бўлди. Кўриб, билиб турибмиз: бугун одамлар биздан кўп нарса кутаяпти. Шу маънода, Янги йил депутатлар учун синовли йил бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида биз, депутатлар олдига қўйилган кўп саволларга жавоб беролмадик. Парламентда деярли ҳар куни бир нечта тадбир, ҳар хил йиғилишлар ўтказилади. Лекин, тан олишимиз керак, уларнинг аксарияти самарасиз бўлиб чиқяпти. Қонун лойиҳалари, турли вазирлик ва идораларнинг ахборотлари билан боғлиқ йиғилишлардаги муҳокамаларда мамлакат миқёсида ечимини кутаётган масалалар бўйича таклифлар берилаётгани йўқ.

Президентимиз Қонунчилик палатасидаги муҳокамалардан ҳам бир «чанг чиқсин», деганлари бежиз эмас. Бу гапда парламент аъзолари тушунадиган чуқур маъно бор. Хулоса шуки, қилган ишларимиздан кўра, бажаришимиз лозим бўлган вазифаларимиз кўпроқ.

Катта орзулар, улкан марраларни кўзлаб, Янги йилга қадам қўйдик. Биз ҳам зиммамиздаги юкни ҳис қилиб турибмиз. 2018 йил мамлакатимиз тарихида, халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар олиб келишига ишонаман. Биз, депутатлар ана шу ислоҳотларнинг олдинги қаторларида боришга, халқни ўз ортимиздан эргаштира олишга, машаққатларни ўз бўйнимизга олишга тайёрмиз.

# ОДАМЛАР БИЛАН ҲАМФИКР БЎЛАЙЛИК

Кечагина барчамиз катта ҳаяжон ва қувонч билан кутиб олган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилини ҳам ортда қолдирдик. 2017 йил юртимизда барча соҳада катта ютуқларга эришилди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Кўплаб соҳаларда самарали ишлар қилинди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётига, тақдирига, турмуши даражаси ошишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ислоҳотларнинг ижтимоий самараси ошиб боришидан манфаатдор эканини намоён этиб, электорат фойдасига хизмат қиладиган муайян ишларни бажарди. Айниқса, ижтимоий ҳимоя, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаолликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2017 йилда депутатлар билан бирга 50 нафарга яқин пенсионер ҳолидан хабар олдик, 22 нафар ногиронлиги бўлган шахслар Ал-Ҳаким Ат-Термизий ҳамда Имом Абу Исо Ат-Термизий зиёратгоҳларига боришлари учун ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Ўтган йили депутатларимиз фаолиятида оз бўлса-да, жонланиш сезилди. Қатор ижтимоий масалаларни ўрганиб, реал ҳолатдан хабардор бўлдик. Масалан, мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиб, масалани сессияда танқидий кўриб чиқдик. Тўғриси, соҳада ечимини кутиб турган муаммолар оз эмас.

Ўтган йилдан бошлаб ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини фаол қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор кучайди. Маҳаллий ҳокимликларнинг ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини ошириш масалаларида муҳим янгиликлар бўлди. Бир сўз билан айтганда, ислоҳотлар тақдири ҳудудларда ҳал бўлади, деган ёндашув устувор аҳамият касб этяпти. Бундай жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасидаги масъулият янада ошади.

Шунинг учун Президентимиз ўтган йил июль ойида парламент вакиллари билан ўтган видеоселектор йиғилишида ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди, бизга катта далда берди. Депутатларнинг мавқеи оширилди. Депутатлик сўровларига жавоб бериш мажбурий экани белгилаб қўйилди. Биз, депутатлар ана шу эътиборга муносиб натижалар билан жавоб қайтаришимиз, одамларнинг ишончини оқлашимиз зарур.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида йўл қўйилган хатолар ҳақида аччиқ хулосалар айтилди, жорий йилда амалга ошириладиган ишлар ҳақида батафсил фикрлар билдирилди, вазифалар белгилаб берилди. Бундан ҳар биримиз тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Камчиликларимизни бартараф қилиш вақти келди. Давр биздан фаол ва ташаббускор бўлишни талаб қилмоқда. Одамлар билан елкама-елка туриб, дардини тинглаш, муаммоларини ечишда ҳамкор, ҳамфикр бўлишимиз лозим.

**Алишер МАМАТМУРОДОВ,**
**ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси,**
**халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси**

# ФАОЛИЯТ АНИҚ ИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАНАДИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах шаҳар кенгаши томонидан «Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида партия бошланғич ташкилотлари етакчилари, депутатлар, Ёшлар иттифоқи фаоллари иштирок этган тадбирда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда партия аъзолари ва депутатлар фаоллигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мурожаатномада ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасида янгича ёндашувларни ҳаётга фаол жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросида партия фаоллари иштирокини ошириш масаласига эътибор қаратилди.

Тадбирда ёшларнинг қизиқиши, муаммоларини ўрганиш, таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда партия фаолиятининг сустлиги сабаблари таҳлил этилди. Аксарият ҳолларда ёшлар билан учрашув ва йиғилишларда кўтарилган кўплаб долзарб масалалар қоғозда қолиб кетаётгани танқид қилинди.

— Фаолиятимиз самарасини Президентимиз Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар талабидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, ўтказилган тадбирларнинг кўпи, аслида, ўтказмаса ҳам бўладиган йиғинлардан иборат экани кўриниб турибди, — дейди партия Жиззах шаҳар кенгаши раиси Н.Сиддиқов. — Ҳали партия ташкилоти ходими ёки ҳудуддан сайланган депутат бирор марта учрашмаган қанча ишсиз ёшлар бор. Уларнинг маънавиятини юксалтириш, муаммоларини ҳал қилиш, мамлакатимиздаги ўзгаришлар жараёнига фаол жалб этиш бўйича таъсиримиз сезилгани йўқ. Шунинг учун бугунги давра суҳбатида айни шу масалаларга эътибор қаратиб, ёшлар билан ишлаш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб олдик. Бу соҳада ҳар бир партия фаоли, депутатнинг фаолиятини бажарган ишининг аниқ натижасига кўра баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир давомида ёшлар томонидан билдирилган муаммоли масалалар шу ернинг ўзида ҳал этилди. Иккита масала бўйича партия шаҳар кенгаши депутатлари тегишли идора ва ташкилотларга депутатлик сўрови юборадиган бўлди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«Истиқбол» ёшлар қаноти:

# БАЛАНДПАРВОЗ ГАПЛАРДАН — АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА

**— 2017 йилда бир нечта лойиҳани амалга оширдик, ёшларга янада яқинлашдик, уларнинг эътиборини қозондик, деб ўйлайман.**



*Умурбек БЕКТЕМИРОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси:*

— Бугунги кунда партиямизнинг 450 минг нафардан ортиқ аъзоларидан 40 фоизга яқинини «Истиқбол» ёшлар қаноти сафидаги йигит-қизлар ташкил этади. Ўтган йили «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови иштирокчилари ҳар йилгидан ҳам кўп бўлди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан истеъдодли, билимли ва зукко ёшлар сараланди ва рағбатлантирилди.

Турли тадбирларда ёшлар орасида бўлиб, уларнинг фикрларини эшитиб, мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишларга муносабатини кўриб, зиммамизда катта масъулият турганини англадим. Умумий, баландпарвоз гаплар, мақсади аниқ бўлмаган тадбир ва лойиҳалар билан бугунги ёшларнинг эътибори ҳамда ишончини қозониш қийин экан.

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қуриляпти, ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш масаласи шахсан давлатимиз раҳбарининг эътиборида турибди. Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларини янги босқичга кўтариш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Янги йил режаларига келсак, қатор лойиҳаларни режалаштирдик. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшларимиз хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишлари мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Шу асосда «Истиқбол» ёшлар қаноти жорий йилда янги лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилди.

Ўйлайманки, Янги йил партиямиз сафидаги ёшлар, «Истиқбол» ёшлар қаноти учун муваффақиятларга бой бўлади. Бунинг учун ҳар доимгидан кўп изланишимиз, фидойилик кўрсатишимиз керак.

# ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ХАЛҚ СЎРОВИ



*Мавжуда ШАРИПОВА, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:*

— 2017 йил навоийликлар учун ҳам янги ислоҳотларнинг шиддати билан ёдда қоладиган бўлди. Энг аввало, Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида вилоят раҳбарияти ва фаоллари олдига одамларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий корхоналар қуриш, иш ўринлари яратиш бўйича қатор вазифалар белгилаб берган эди. Хўш, бу амалда қандай бажарилди?

Яқинда Навоий шаҳрида 210 оила учун 7 қаватли турар жой биноси қуриб берилди. Шунингдек, барча туманларда кам таъминланган, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар учун арзон нархдаги уй-жойлар топширилди.

Қизилтепа туманида пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, 1000 иш ўрнига эга бўлган «Тошрабод текстиль» корхонаси иш бошлади. Бугун бу ерда 20 турдан ортиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг катта қисми экспортга йўналтирилмоқда. Бу вилоятда амалга оширилган ишлардан битта-иккита мисол, холос.

Энг асосийси, бугун одамларнинг, айниқса, раҳбарларнинг ҳаётга, депутатларга бўлган муносабати, дунёқараши ўзгармоқда. Яъни, депутат сўрови — халқ сўрови, деган демократик, эзгу тамойил ўз натижасини бермоқда. Сўнгги 13 депутатлик сўровимдан 9 таси ижобий ечим топгани бунга мисол бўла олади.

Бугун Ўзбекистон ривожланишнинг энг муҳим босқичида халқ ноиблари — депутатларга ваколатлар берияпти. Соғлиқни сақлаш соҳасини оласизми, таълим ёки ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини оласизми, уларнинг ҳаммаси маҳаллий Кенгашлар, яъни депутатлар олдида ҳисобдор қилиб қўйилди. Жойларда раҳбарлар қандай ишлаётганига баҳо бериш биринчи навбатда халқ вакилларининг ваколатидаги масала экани қайта-қайта такрорланяпти.

Биз бу ишончга лаббай, деб жавоб беришимиз, ўзимизни аямаслигимиз, халқ учун, фарзандларимиз ва набираларимиз учун фидойи бўлишимиз зарур.



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**
Трамвай одамлар хизматида.



**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**
Ички ишлар ходимларига хизмат уйи ва автомашиналар топширилди.



**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**
«Toshrabot textile» корхонаси иш бошлади.



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**
Юқори Чирчиқдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби.

## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари



*Академик*
*Тамарахоним АРИПОВА*

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика иммунология илмий маркази директори Тамарахоним Арипова иммунология ва иммуногенетика соҳалари бўйича йирик олим сифатида эътироф этилган.

У 350 дан кўпроқ илмий ишлар, 9 монография, 2 патент, 3 халқаро миқёсдаги муаллифлик гувоҳномаси, 42 услубий тавсиялар муаллифидир. Унинг илмий раҳбарлигида 7 нафар фан доктори ва 13 нафар фан номзоди тайёрланган.

Тамарахоним Арипова таҳрири асосида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг иммун статуси харитаси, иммунологик ва генетик паспортлари яратилди. Марказий Осиёда илк бор одам қони периферик ҳужайраларида вируслар геномини аниқлаш учун янги усул ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Франция, Германия, Буюк Британия, Япония, Россия, Қирғизистон олимлари билан биргаликда Марказий Осиё ва Кавказорти халқлари генетик-популяцион тадқиқотлари ўтказилди, 20 дан кўпроқ этнослар текширилди, барча Марказий Осиё популяцияларининг 4000 дан кўпроқ намуналаридан иборат ДНК банки яратилди.

Олим раҳбарлигида Марказий Осиёда илк маротаба Европа Иттифоқининг Еттинчи рамкали дастури асосида «Марказий Осиё ва Европа популяцияларида преэклампсиянинг генетик тадқиқотлари» мавзусида катта халқаро грант ютиб олинди. У «Россия илмий ва илмий-педагогик кадрлари» федерал фонди мақсадли дастури «Одам каротидли атеросклерози митохондрия геноми мутация юкламаси ассоциациясининг очиқ кросс-секцияли тадқиқотлари»; Пастер институти, Инсон Музейи ва табиий тарих миллий музейининг (Париж, Франция) «Диетага генлар адаптацияси эволюциясини комплекс таҳлиллаш»; Вирусология ва биотехнология Давлат илмий марказининг «Вектор» (Новосибирск, Россия) «Россия ва Ўзбекистонда айланиб юрувчи ВИЧ-1 аҳамиятли генетик субтипларининг эпидемиологик тадқиқотлари»; Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш глобал миллий марказининг (Токио, Япония), «Вирусли гепатитлар кечиши ва даволашнинг иммугенетик жиҳатлари» каби халқаро лойиҳаларга Ўзбекистон томонидан раҳбар бўлди.

У МДҲ давлатлари аллерголог ва иммунологлар халқаро жамияти, ҳамда Фанлар академиялари ассоциацияси биотехнология бўйича илмий кенгаши аъзосидир. Шунингдек, болаларда астманинг олдини олиш ва даволаш бўйича ISAAC халқаро дастури координатори, InterPreGen халқаро консорциуми Еттинчи рамкали Евроиттифоқ дастурининг Ўзбекистон Республикаси бўйича масъул вакилидир.

Тамарахон Арипова Европа Илмий-саноат палатасининг «Тиббиётга катта ҳиссаси ва намунали профессионал фаолияти» учун олтин медали ва «Di Merito» дипломи, Россия иммунолог ва аллергологлари илмий жамиятининг «Иммунология соҳасида улкан ютуқлар» дипломи ва олтин медали билан тақдирланган.



*Академик*
*Ҳусан ИГАМБЕРДИЕВ*

Тошкент давлат техника университети профессори Ҳусан Игамбердиев мамлакатимизда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш соҳасида илмий мактаб яратган.

Олим мураккаб динамик объектларни мунтазам идентификациялаш ва адаптив бошқариш системаларини синтезлаш назариясининг асосчиси ҳисобланади. У томонидан ишлаб чиқилган динамик бошқарув объектларида тескари масалаларни мунтазам ечиш назариясининг фундаментал асослари шакллантирилган. Нокоррект масалаларни ечиш усуллари асосида динамик объектларни идентификациялаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва бошқарув қурилмаларини синтезлаш соҳаларида катта ютуқларга эришган.

Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш йўналишида олиб борган илмий-тадқиқотлари натижасида 480 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий ишлари чоп этилган. У 5 монография, 20 дан ортиқ патент ва дастурий маҳсулотлар муаллифи.

Олим 1994-2016 йиллар давомида 4 фундаментал ва 5 амалий тадқиқотлар бўйича Давлат илмий-техникавий дастурларининг масъул ижрочиси бўлган. Бугунги кунда «Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системалари синтезининг назарий асослари ва мунтазам усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасига раҳбарлик қилмоқда.

Ҳусан Игамбердиевнинг илмий раҳбарлигида 4 нафар фан доктори, 14 нафар фан номзоди тайёрланган. Унинг илмий ишлари Австрия, Венгрия, Германия, Ҳиндистон, Португалия, Россия, АҚШ, Туркия, Франция, Чехия, Жанубий Корея ва Японияда чоп этилган.

Ҳусан Игамбердиев Тошкент давлат техника университети ва Жанубий Кореянинг Дунгук, Кёнджу университетлари ўртасида қўшма илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича шартномани амалга оширишда иштирок этмоқда.

Ҳусан Игамбердиев томонидан мураккаб динамик объектларни мунтазам идентификациялаш ва адаптив бошқариш борасида олинган натижалар халқаро миқёсда тан олинган. Ишланмалари бир қанча йирик кимё корхоналарида жорий қилинган ва самарадорликка эришилган.

Олим 2000 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлган.

**ЎзМУ журналистика факультети 3-курс талабаси Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА тайёрлади.**

# ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ

## 2017 йилнинг энг муҳим воқеаси сифатида тарихда қолади



*Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, СамДУ профессори:*

— Тарих саҳифаларига муҳрланган 2017 йил Ўзбекистон ҳаётида жуда муҳим воқеалар юз берган, тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган йил сифатида ёдимизда қолади. Боиси, ушбу йил тўла маънода улкан ўзгаришлар даври бўлганига, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, эл-юрт фаровонлигини таъминлаш йўлида дастлабки муҳим қадамлар ташланганига гувоҳ бўлдик.

Поёнига етган йилда инсонни эъзозлаш, одамлар қалбига йўл топиш халқ билан мулоқот тизимининг асоси этиб белгиланди. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган ғоя ҳаётимиздан чуқур жой олди. Мамлакат ҳаётига дахлдор қарорлар халқ билан бамаслаҳат, бевосита мулоқот асосида қабул қилинаётгани одамларнинг давлатга, жамиятга, ўз келажагига ишончини оширди.

Мамлакатимиз хорижий давлатлар, энг аввало қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлади. Марказий Осиё давлатлари билан йўлга қўйилган самимий дўстлик туйғуси халқларимизга ҳам кўчди. Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бутун дунёга жамиятимизда кечаётган ўзгаришларни баён қилди, айни пайтда минтақада барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш, инсоният олдида турган муаммолар ечимини топиш бўйича ташаббусларини илгари сурди. Буларнинг бари мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр мамлакатлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз мамлакатимиз Олий Мажлисига Мурожаатномасида булар ҳақида алоҳида тўхталди. Айтиш жоизки, ушбу дастурий маърузада бутун мамлакатимиз, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши батафсил белгилаб берилди. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, ҳудудларни ривожлантириш стратегияси каби барча муҳим масалалар бўйича очиқ фикрлар баён қилинди.

Ислоҳотлар қачон натижа беради? Қачонки одамларда умид уйғотса. Мурожаатномани қайта-қайта ўқирканман, кўнглимдан шундай фикр ўтди. Бундан бир йил илгари юртимизда бошланган жиддий ислоҳотларга кўникolmaганлар ҳам бўлди. Ҳаётимиз яхши-ку, бошқалардан кам эмасмиз-ку, деганлар бўлди. Аммо ўз-ўзига маҳлиё бўлиш, бизга шу ҳам бўлаверади, деган қараш билан яшаган одам — тараққиёт душманидир.

Президентимиз айтганидек, бундай эскича қарашлар билан яшаш вақти аллақачон ўтиб бўлган. Ҳаётимиз яхши бўлиши, мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиши учун бугун ҳаракат қилмасак эртага кеч бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда жамиятимизда учраётган камчиликларга барҳам бериш зарур. Боиси, ислоҳ этилмаган ҳеч бир соҳада илгарилаш бўлмайди, аксинча, бир жойда депсиниб тураверади. Бу дунё тажрибасида кўп исботланган.

Шу боис ўтган бир йилда барча соҳани ривожлантириш стратегияси белгилаб олинди, одамларнинг ҳаёт сифатини, имкониятини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Энг асосийси, одамларда ислоҳотлар туфайли эртага ҳаёти яхши бўлишига ишонч пайдо бўлди, уларни қўллаб-қувватлай бошлади. Одамлардаги изланиш ва интилиш кучайиб, давлатга камарбаста бўлишдек олижаноб туйғуга айланди.

Айниқса, ёшларимиз Президентимизнинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқарувчи куч сифатида майдонга чиқаётганини, улар қалбида жўш ураётган Ватанга муҳаббат туйғусини, иштиёқни, шижоатни кўриб, қувонасан киши. Яна яшариб, шу ёшлар қаторида ғайрат билан ишлагинг, ўзингни кўрсатгинг келади.

Бугунги ёшлар ўз ватани, Президенти билан фахрланади. Уларнинг юраги садоқат, меҳр, муҳаббат ила уради. Уларнинг ёниб турган кўзида шижоат бор. Ана шундай йигит-қизларимизнинг илм-фанда, спортда ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқларини кўриб ғурурланаман.

Аммо шуни ҳам очиқ айтиш керак, биз катталар бир вақтлар ёшлар таълим-тарбиясида камчиликларга йўл қўйганмиз. Бу ота-оналар ва педагогларнинг бефарқлиги сабабли юз берган. Ўтган бир йил давомида ёшларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик туфайли улар қаерда бўлмасин, юртимиздами, чет элдами Ўзбекистон ҳимоясида эканликларини қайта ҳис эта бошлашди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан чет элларда ўқиётган, ишлаётган ёшлар ҳаёти билан яқиндан танишиш, улар билан учрашувлар ўтказиш ўз ижобий натижаларини бераяпти. Ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги учун амалий ишлар қилиняпти. Айниқса, Президентимиз хорижий давлатларга ташрифлари давомида турли соҳалар бўйича ўқиётган, ишлаётган ёш ватандошларимиз билан учрашгани уларнинг Ватан олдидаги қарзини узишга умидлантирди. Ана шундай ёш мутахассисларимиз юртимизга қайтиб, турли соҳаларда меҳнат қилишга киришаётганини тез-тез эшитаяпмиз. Бундан қувонмай бўладими?!

Президентимиз Мурожаатномада Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш кераклигини айтди. Бундан мақсад ёшларимизни хориждаги тенгдошлари билан фаол мулоқотини йўлга қўйишдир.

Бу ёшларимиз учун жуда катта имконият бўлиб, улар ўз фаолиятини бошлаши, тажриба алмашиши мумкин бўлади. Шунингдек, мазкур ташкилот Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини бутун дунё бўйлаб намоён этиш имконини беради. Шунинг учун ҳам 2018 йилда Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш ташаббуси билдирилди.

Президентимизнинг ёшларни асраш, яшаш шароитини яхшилаш, таълим-тарбия олиши учун имконият яратиш, иш ўринлари ташкил этиш, моддий ва маънавий ҳимоя қилиш, раҳбарлик лавозимларига тайинлаш, ижодкор ва истеъдодли йигит-қизларни рағбатлантириш, Ўзбекистон ёшларини бир мақсад йўлида бирлаштириш борасида олиб бораётган эзгу ишлари дунё мамлакатларига ибрат қилиб кўрсатишга арзийди.

Менинг назаримда Президентимиз Мурожаатномаси 2017 йилнинг энг муҳим воқеаси сифатида тарихда қолади.

## Янги йилни
## Ўзбекистон фуқароси сифатида кутиб олдим

**2017 йил кўплаб юртдошларимиз қатори мен ва оиламиз учун ҳам жуда-жуда қадрли, қувончли бўлди. Кўнглимиздаги эзгу ният амалга ошди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиндим.**

1993 йилда Қирғизистондан Андижонга келин бўлиб тушганман. Турмуш ўртоғим Олимжон Маҳмудов билан икки ўғил, бир қизли бўлдик. Андижон шаҳридаги 35-мактабда ишлайман. Лекин кўнглимда 24 йиллик армон бор эди. Қачон Ўзбекистон фуқароси бўламан, деган... Шукрки, Президентимизга қилган мурожаатим кўриб чиқилиб, Ўзбекистоннинг фуқароси бўлиш бахтига муяссар бўлдим.

2017 йилнинг 31 декабрь куни Андижон вилояти ҳокимлигида бир неча юртдошларим қатори менга ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти тантанали топширилди, гулдасталар тақдим этишди. Бу лаҳзалар умримнинг унутилмас дамлари бўлиб қолади.

Янги йилни бу йил илк бор Ўзбекистон фуқароси сифатида кутиб оляпман.

**Маликахон МАҲМУДОВА**



# ОҒИР АТЛЕТИКА:

## жаҳон чемпионатида юқори натижага эришган спортчилар тақдирланди

**Оғир атлетика бўйича 2017 йилнинг 28 ноябрь — 6 декабрь кунлари АҚШнинг Анахайм шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 10 нафар спортчи билан иштирок этиб, 5 медалга сазовор бўлган эди. Мазкур нуфузли мусобақада Достон Ёқубов олтин медални қўлга киритган бўлса, ёшлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Фарҳодбек Собиров кумуш, Иван Ефремов кумуш ва бронза, Адҳамжон Эргашев бронза медалига сазовор бўлишди.**

Натижада Ўзбекистон терма жамоаси 54 мамлакат вакиллари орасида учинчи ўринни эгаллади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармойиши билан мазкур мусобақада муваффақиятли иштирок этган спортчилар бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланди.



— 1995 йилда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Сойлиқ қишлоғида туғилганман, онам Иномова Мавлуда уй бекаси, — дейди **оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Достон Ёқубов.** — Мен жаҳон чемпионатидаги ғалабамни онамга бағишлайман. Чирчиқ олимпия захиралари коллежини тамомлаганман. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 4-курс талабасиман. Фарҳод Мирзажоновнинг қўл остида шуғулланиб келаман. Улар спортчиларнинг қобилиятини кўра олади. Менинг барча эришган ютуқларимда устозимнинг ҳиссаси катта. 2017 йил давомида тўртта йирик мусобақада иштирок этдим. Хусусан, IV «Ислом бирдамлик ўйинлари»да бронза, Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритдим. АҚШнинг Анахайм шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати 2017 йилдаги сўнгги йирик турнир бўлди. Президентимизнинг рағбатидан сўнг 2018 йил бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида, 2020 йил Токиода бўлиб ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма олиб, олимпия чемпиони бўлиш ниятидаман.



— 2017 йил мен учун омадли келди, — дейди **оғир атлектика бўйича жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби Адҳамжон Эргашев.** — Хусусан, Малайзиянинг Пенанг шаҳрида ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамда Япониянинг Токио шаҳрида ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритдим. АҚШнинг Анахайм шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгалладим. 2018 йилда ҳам бизни кўплаб йирик мусобақалар кутиб турибди. Хусусан, Ўзбекистонда иккита катта турнир бўлиб ўтади. Урганчда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлса, Тошкентда 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида жаҳон чемпионати ташкил этилади. Шунингдек, Индонезияда Осиё ўйинлари ҳам бўлиб ўтади. 2018 йилда 2017 йилги натижаларимдан ортиқроқ ютуқларга эришаман.

Президентимизнинг спортчиларга бўлган эътибори бизга жуда катта мадад бўлмоқда. Бундай рағбатдан сўнг мусобақаларда бор кучимиз билан курашгимиз келади. Бу ишончни кейинги бўладиган турнирларда, хусусан, 2020 йилги ёзги Олимпия ўйинларида юксак даражада оқлашга ҳаракат қиламиз.

**Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.**



**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**
*Автомобиль заводи барпо этилмоқда.*




**БУХОРО ВИЛОЯТИ**
*«Ёшлар маркази» очилди.*



**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ**
*«Uztex Uchkurgan» қўшма корхонаси иш бошлади.*




**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**
*Урганч шаҳридаги «Нуронийлар маскани».*

4

ЯНГИ ЙИЛ БОШЛАНМАСДАН АВВАЛ ЙИЛ ДАВОМИДАГИ ИШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ БЎШ ВАҚТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ ИМКОНИЯТИНИ ЯРАТИБ БЕРАДИ.

# ЮРТДОШЛАРИМИЗ 2018 ЙИЛДА ҚАНДАЙ ДАМ ОЛИШАДИ?

**Президентимизнинг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»-ги фармонини халқимиз катта хурсандчилик билан кутиб олди.**



Фармондан кўзланган асосий мақсад 2018 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва дам олиш, байрам кунларидан оқилона фойдаланиши, шунингдек, ички туризмни янада ривожлантиришдир.

Қувонарли томони, келгуси календарь йили давомидаги иш ва дам олиш кунларини олдиндан режалаштириш амалиёти Ўзбекистонда биринчи марта юз бермоқда. Бундай амалиёт ўзининг самарадорлиги нуқтаи назаридан хорижий тажрибада кенг қўлланилади.

Президент фармонида фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бирламчи мақсад сифатида қайд этилган. Ҳақиқатан, йил давомидаги иш ва дам олиш кунларини ҳали йил бошланмасдан аввал белгилаш ходимларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун имконият яратиб беради. Илгари маълум бир байрамга 2-3 кун қолганда дам олиш кунлари кўчирилар, бунинг натижасида ходимлар бундай қисқа фурсат ичида дам олиш кунларига режа тузиш ёки уни амалга оширишга улгурмай қоларди. Энди бўлса, ҳаттоки 2018 йил декабрь ойида қайси кун дам олиш сифатида белгиланганини 1 йил олдин билиш мумкин.

Шунингдек, айрим иш берувчилар ўзгарган дам олиш кунлари ҳисобига ходимларни қўшимча ишлатиш ҳақида ноқонуний ички қарорлар чиқарарди. Худди шу каби муаммолар дам олиш куни ўзгарган ой учун иш ҳақини ҳисоблаш чоғида ҳам юзага келарди. Жорий этилаётган янги механизм ушбу муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин, мазкур фармоннинг ички туризмга қандай алоқаси бор? Гап шундаки, 2018 йилда Янги йил, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида юзага келадиган 5 кунлик дам олиш даври аҳолига ўзлари анчадан буён режалаштириб юрган, лекин иш кунларининг тиғизлиги сабабли амалга ошира олмаётган орзуларини рўёбга чиқариш имконини яратади. Масалан, қайсидир оила Наврўз байрами арафасида Самарқанд шаҳридаги қадамжоларни зиёрат қилиш учун оилавий саёҳатни амалга ошириши мумкин. Бошқа бир оила эса Мустақиллик байрами арафасида кўҳна Хивани бориб кўриш шарафига муяссар бўлар.

Шуларни ҳисобга олиб, фармонда мутасадди ташкилотларга дам олиш байрам кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этиш вазифаси топширилди. Фармон ижросини қисқа фурсатларда таъминлаш мақсадида бугунга келиб «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон учун янгилик бўлган мазкур ижобий механизм бир марта амалга оширилиб, кейин унутиладиган вақтинчалик лойиҳа эмас. Фармонда мутасадди ташкилотларга бундан буён ходимларнинг дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлашни инобатга олган ҳолда келгуси календарь йили учун қўшимча дам олиш кунларини белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида ҳар йили 15 октябрдан кечикмасдан таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Энди бевосита белгиланган дам олиш кунлари ва унинг тоифалар бўйича тааллуқлилиги ҳақида фикр юритсак. Аввало, фармон асосида Ўзбекистон қонунчилигида меҳнат муносабатларига оид яна бир янги амалиёт киритилди. Яъни, жорий йилда илк марта ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини қисқартириш орқали байрам кунлари арафасида қўшимча дам олиш куни берилди.

Фармонда 3 хил тоифадаги дам олиш кунлари ҳақида сўз боради.

Ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини қисқартириш орқали бериладиган байрам кунлари арафасидаги қўшимча дам олиш куни. Қўшимча дам олиш кунлари ҳисобига меҳнат таътилининг муддати 3 кунга қисқартирилса ҳам, лекин таътил учун бериладиган тўлов миқдори қисқартирилиши мумкин эмас, у тўлиқ берилади. Масалан, 28 кун меҳнат таътили бериладиган ходимга эндиликда қисқартириш эвазига 25 кун таътил берилади, бироқ 28 кун ҳисобидан тўловлар амалга оширилиши керак.

Беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун байрам арафасидаги иш кунига кўчирилган шанба, дам олиш куни. Ушбу кунларда 6 кунлик иш ҳафтасида фаолият олиб борадиган ходимлар ишга чиқишлари лозим бўлади.

Барча ходимлар учун (5 ва 6 кунлик иш ҳафтасидагилар) бирдек умумий дам олиш куни ҳисобланган якшанба кунини байрам арафасидаги иш кунига кўчириш.

Президент фармонига берилган расмий шарҳда муқаддас Қурбон ҳайит ва Рамазон ҳайит байрамларининг муҳимлиги ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, 2018 йилдан бошлаб айрим дам олиш кунларини байрам кунларига яқин бўлган иш кунларига кўчириш ҳисобига узлуксиз уч кунлик дам олиш кунлари белгиланиши кўзда тутилаётгани қайд этилган.

**Хушнудбек ХУДАЙБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юридик бўлими мудири ўринбосари.**




Тошкент Янги йил оқшомида.







*Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.*

**Қарши шаҳридаги Мурувват уйида 270 нафар имконияти чекланган бола замонавий шароитларда тарбияланмоқда. 2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан ушбу Мурувват уйи капитал таъмирланиб, тарбияланувчилар учун замонавий мини футбол майдончаси, 60 ўринли ошхона, барча спорт инвентарлари билан таъминланган спорт зали ҳамда бошқа хоналар янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

## 50 НАФАР ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАГА НОГИРОНЛИК АРАВАЧАЛАРИ

Янги йил байрами муносабати билан Мурувват уйида ташкил этилган тантанали тадбирда Президентимиз раҳнамолигида имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ва таълим сифатини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

— Шундай халқпарвар Президентимиз борлигидан фахрланаман, — дейди Мурувват уйи тарбияланувчиси Шоди Раҳмонов. — Бизнинг бошимизни силаб, оталарча ғамхўрлик кўрсатмоқда. Муассасамизда таълим олишимиз, даволанишимиз учун барча шароит яратилган. Мен учун бу йилги Янги йил шу пайтгача кўрганларимдан зўр бўлди. Имкониятим чекланган бўлса-да, ақлим жойида. Адабиётга қизиқаман. Шеър машқ қилиб тураман. Бу истеъдодимни юртим равнақи йўлида бағишлайман.

Тадбир давомида Мурувват уйи тарбияланувчиларига Президент совғаси топширилди, 50 нафар имконияти чекланган болага ногиронлик аравачалари тақдим этилди.

**Ў.БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲАР БИР ТУМАН ВА ШАҲАРДАН 111 ОИЛАГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

**Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида кам таъминланган оилаларга маиший техника жиҳозлари топширилди.**

Президентимизнинг жорий йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан амалга оширилаётган мазкур ижтимоий тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитасининг шаҳар ва туман бўлимлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирок этди.

— Янги йил байрамига кутилмаган совға бўлди, — дейди қувончдан кўзлари чақнаб Наманган шаҳридаги Бунёдкор маҳалласида истиқомат қилувчи Муқаддас Султонова. — Гапнинг очиғи, ҳеч қайси байрамда бундай катта совға олмаган эдим. Президентимизнинг хотин-қизлар, оналарга кўрсатаётган ғамхўрлиги, ҳатто оиладаги муаммоларимизга ҳам катта эътибор қаратаётганидан жудаям тўлқинланиб кетаман. Бўлмаса, қанча-қанча муҳим ишлар турганда менинг уйимда кир ювадиган машина бор-йўқлиги ташвиши нима керак эди? Бувиларим, оналарим кирни мошинда ювиб келишганмиди? Йўқ, Президентимиз бундай ўйламайдилар. Халқим фаровон яшасин, ёшлар кам-кўст кўрмай улғайсин, ҳамма ҳаётдан рози бўлсин, деяптилар.

Шаҳар ва туманларда санъаткорлар, адиблар, маънавият тарғиботчилари иштирокида байрамона ташкил этилган тадбирларда ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга газ плитаси, кир ювиш машинаси, чангютгич ва бошқа ошхона ҳамда рўзғор буюмлари каби 1 минг 332 маиший техника воситаси туҳфа қилинди.

**Акрамжон САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Танлов якунланди

**Анъанага кўра, Янги йил арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ўтказиб келинаётган «Адолат — қонун устуворлигида» танловининг ғолиб ва совриндорлари аниқланди.**

## «АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни матбуот ва оммавий ахборот воситаларида фаол ёритилишини таъминлашга қаратилган ушбу танловнинг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. 2017 йилда танловга республика матбуотида эълон қилинган, телерадио орқали эфирга узатилган 500 дан ортиқ материал тақдим этилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муаттар Асқарова Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон 24» телерадиоканалида намойиш этилган кўрсатувлари учун танлов ғолиби, деб эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Мўмин Астанов, юридик фанлари доктори Музаффар Мамасиддиқов республика матбуотида эълон қилинган мақолалари учун иккинчи ўринга муносиб кўрилди.

Учинчи мукофот «Народное слово» газетаси мухбири Ферюза Кубарева, ҳуқуқшунос Елена Ермохина, журналист Умид Ёқубовга насиб этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Козимжон Комилов ғолиб ва совриндорларни табриклаб, мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада кенг ёритиш хусусида ўз фикрларини билдирди, янги йилда танлов номинацияларини янада кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

**Ўз мухбиримиз.**



**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**
*Муҳаммад Юсуф хиёбони очилди.*



**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**
*Янги йилни янги уйларда кутиб олишади.*



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**
*Абу Исо ат-Термизий зиёратгоҳи.*



**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**
*Бахт уйи.*

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 138
13830 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi - 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:30
Topshirilgan vaqti — 21:30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5